

БАНКЛАРДАГИ МУАММОЛИ КРЕДИТЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Қаландаров Абдулла Бахтиёрович,
«Ипотека-Банк» АТИБ Яшнобод филиали
Кредит мониторинги бўлими бошлиғи,
мустақил изланувчи (PhD)

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

Аннотация. Тижорат банкларида методологик ва услубий жиҳатдан етарлича таъминланмаган кредитлаш амалиётининг тез ривожланиши натижасида бир қатор иқтисодий, молиявий ҳамда ижтимоий муаммолар пайдо бўлмоқда. Банк амалиётида кредит портфели сифатини ошириш ва муддати ўтган кредитлар солмоғини камайтириш долзарблигича қолмоқда. Мақолада тижорат банкларининг кредит портфели сифатига таъсир этувчи муддати ўтган кредитларнинг қўпайиши таҳлил қилинган ҳамда уларни камайтиришнинг банклардаги мавжуд тажрибага асосланган ҳолда такомиллаштириш йўналишлари очиб берилган. Шунингдек, муддати ўтган кредит қарзини бошқариш воситалари таснифи таклиф этилган ҳамда уларни бартараф этиш бўйича амалий таклифлар берилган.

Таянч тушунчалар: банк, қайта молиялаштириш, кредит, қарз олувчи, муддати ўтган қарз, муаммоли кредит, кредит мониторинги, кредит қайтмаслик хавфи.

АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ УПРАВЛЕНИЯ ПРОБЛЕМНЫМИ КРЕДИТАМИ В БАНКАХ

Каландаров Абдулла Бахтиёрович,
начальник отдела кредитного мониторинга
Яшнабадского филиала АКИБ «Ипотека-банк»,
самостоятельный исследователь (PhD)

Банковско-финансовая академия Республики Узбекистан

Аннотация. В результате стремительного развития практики кредитования в коммерческих банках, которая не имеет достаточного методического и методологического обеспечения, возникает ряд экономических, финансовых и социальных проблем. В банковской практике остается актуальным повышение качества кредитного портфеля и снижение доли просроченных кредитов. В статье анализируется рост количества просроченных кредитов, влияющих на качество кредитного портфеля коммерческих банков, а также в целях их сокращения раскрыты направления совершенствования управления кредитами на основе имеющегося в банках опыта. Также предложена классификация инструментов управления просроченной кредитной задолженностью и даны практические предложения по ее устранению.

Ключевые слова: банк, рефинансирование, кредит, заемщик, просроченная задолженность, проблемный кредит, кредитный мониторинг, риск невозврата кредита.

CURRENT ISSUES OF PROBLEMATIC LOANS MANAGEMENT IN BANKS

Kalandarov Abdulla Bakhtiyorovich,
Head of Credit Monitoring Department
Yashnabad branch of Joint-stock
Commercial Mortgage Bank "Ipoteka-Bank",
Researcher (PhD)

Banking and Finance Academy of the Republic of Uzbekistan

Adstract. The methodological inadequacy of lending practices in commercial banks is the cause of a number of economic, financial and social problems. As banking practice shows, it is still important, to improve the quality of the loan portfolio and reduce the exposure to overdue loans. The article analyzes the increase in overdue loans that affect the quality of the credit portfolio of commercial banks, and also reveals the ways to improve their reduction based on the experience of banks. The classification of overdue credit debt management tools is also proposed, as well as practical suggestions for their elimination are given.

Keywords: bank, refinancing, credit, borrower, overdue debt, problem loan, credit monitoring, Non-performing loan (NPL).

Кириш

Бозор иқтисодиётида муҳим ривожланиш омилларидан бири бу тижорат банкларининг тадбиркорлик субъектлари ва истеъмолчиларнинг пул ресурсларига бўлган эҳтиёжларини қондиришдир. Кредит ажратишда тижорат банклари ташқи муҳит билан ўзаро таъсир жараёнида юзага келадиган рискларни ўз зиммасига олади. Бу эса, ўз навбатида, тижорат банкларининг узлуксиз ишлашига энг катта таҳдидлардан бири ҳисобланади.

Замонавий шароитда кредитни қайтариш муаммоси ўта муҳим бўлиб қолмоқда, аксарият банклар кредит портфели сифатининг ёмонлашишини қайд этмоқда. Тижорат банкларининг ҳар бешинчи мижози кредитни қайтариш билан боғлиқ муаммоларга эга бўлмоқда. Бу тенденция 2020–2021 йилларда муаммоли кредитлар сонининг ортишига сабаб бўлиши ҳамда ҳар учинчи мижоз кредит қайтариш қийинчиликларига дуч келиши мумкин. Бу эса кредит ташкилотлари учун жиддий ва салбий оқибатларга сабаб бўлади. Бундай ҳолларда кредитлашнинг асосий тамойилларидан бири – «қайтаришлик» тамойили бузилиши кузатилиши мумкин. Банк прогноз қилинган даромадни олмаслик ва муаммоли кредитларга хизмат кўрсатиш учун қўшимча харажатларни қоплашга мажбур бўлади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, шуни таъкидлаш лозимки, муаммоли кредитлар салмоғини камайтириш, уларнинг вужудга келиш омилларини бартараф этиш ва кредит портфелини соғломлаштириш тижорат банкларидаги муаммоли кредитларни бошқариш механизмларини такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради. Бу эса тижорат банкларининг айни кундаги энг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Адабиётлар шарҳи

Иқтисодий адабиётларда муаммоли кредитларни бошқариш масалалари тижорат банкининг муаммоли кредитларини минималлаштириш, кредит таҳлили ва банк менежменти бўйича илмий ишларда кўриб чиқилган.

Тижорат банкларидаги кредит портфелини бошқариш билан боғлиқ муаммолар хорижлик олимлар, яъни О.И. Лаврушин, С.Ю. Хасянова, О.А. Нурзат, Н.М. Лыкова, А.А. Кованев, М.В. Яшин, Г.Н. Белоглазова, П. Кроливецкая, А.М. Смуловлар тадқиқотларида таҳлил қилинган.

Муаммоли кредитларни бошқариш соҳасидаги қатор хорижий тадқиқотлар муаммоли кредитларни бошқариш бўйича оптимал стратегияни танлашга бағишланган бўлиб, бу изланишлар Р.Дж. Херринг, Дж.М. Греппет, Г.В. Кареле, Т.Дж. Риддоу, СБ. Виатт, Р. Гривз каби Ғарб тадқиқотчилари асарларида ўз аксини топган.

Мақолани ёзиш жараёнида тижорат банкларидаги кредит хавфи, муаммоли кредитларни бошқариш ҳамда уларнинг сонини минималлаштириш билан боғлиқ муаммоларни ўрганган маҳаллий олимлардан Т.М. Каралиев, У.А. Тухтабаев, К.А. Мухамеджановларнинг илмий ишлари таҳлил қилинган.

Тадқиқотчилардан А.М. Смулов ва О.А. Нурзат муддати ўтган ва муаммоли кредитлар соҳасида муддати ўтган кредит қарзи тушунчасига қуйидагича изоҳ берган: бу қарз берувчи (банк) учун қарз олувчи томонидан қисман ёки тўлиқ ўз вақтида тўланмаган (бажарилмаган) барча қарзлари (мажбуриятлари) йиғиндиси ҳисобланади [1].

Банк соҳасидаги тадқиқотчилардан Г.Н. Белоглазова ва Л.П. Кроливецкаянинг фикрига кўра, муаммоли кредитлар фоиз

ва асосий қарзни тўлаш билан боғлиқ муаммоларга эга бўлган кредитлардир [2].

А. Платонов ва С.А. Ивановнинг фикрига кўра, муаммоли кредитлар қарздорнинг ўз мажбуриятлари бўйича банк билан тузилган шартнома шартларидаги асосий сумма ва унга ҳисобланган фоизларни қайтармаслик (тўлиқ ёки қисман)да намоён бўлади. Шунингдек, муаммоли кредитни "қарз олувчининг кредитни қайтармаслиги мумкин бўлган зарарлар" деб тушуниш ҳам мумкин [3].

Тижорат банкларидаги кредит хавфи ва муаммоли кредитларни бошқариш билан боғлиқ муаммоларни ўрганган маҳаллий олимларимиздан К.А. Мухамеджановнинг хулосасига кўра, кредит рискининг манбаи қарз олувчининг нотўғри фаолияти бўлиб, у кредит қарзини тўлиқ ва ўз вақтида тўлай олмаслигига олиб келиши мумкин [4].

У.А. Тухтабаевнинг хулосасига кўра, муаммоли кредитлар кредит рискларининг амалда яққол намоён бўлишининг натижасидир, яъни кредит рискларини тўғри бошқара олмасликнинг оқибати ҳисобланади [5].

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, айни кунда мамлакатимиз тижорат банкларидаги муаммоли кредитлар билан боғлиқ ҳолатларда ҳам номи келтирилган тадқиқотчилар томонидан амалга оширилган илмий ишлар долзарблигини кузатишимиз мумкин.

Дарҳақиқат, тижорат банкларидаги мавжуд муддати ўтган ва муаммо тусини олган кредитлар нафақат активлар сифатига салбий таъсир кўрсатади, балки кредитларни қайтармаслик хавфининг ортishiга олиб келади [6].

Тадқиқот методологияси

Тижорат банкларидаги муаммоли кредитларнинг улушини минималлаштириш билан боғлиқ илмий-услубий ва амалий муаммоларни тадқиқ қилишда илмий-тадқиқот методологиясидаги мавжуд назарий ва эмпирик тадқиқот методларидан фойдаланилди. Шунингдек, илмий адабиётлар, ҳужжатлар ва банклар

фаолиятини ўрганиш, кузатиш ва унинг натижаларини баён қилиш каби эмпирик тадқиқот методлари қўлланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Банк даромадининг пасайиши, биринчи навбатда, кредит рискин амалга ошириш оқибатида кредит портфели сифатининг ёмонлашуви билан боғлиқдир. Мамлакатимизда жисмоний шахсларга ажратилган таъминланмаган кредитларнинг банк портфелларидаги улуши юқорилаб бормоқда. Айнан улар муддати ўтган қарздорликнинг асосий қисмини шакллантирмоқда. Бугунги кунда хориж мамлакатларида ҳам, ички молия амалиётида ҳам кредит муассасаси учун муаммоли кредитларни белгилаш ва уларни "муаммо" даражаси бўйича таснифлашда бир хиллик йўқ. Кўпинча кредитнинг "муаммо" даражаси улар билан боғлиқ бўлган кредит rischi даражаси билан боғлиқ, яъни қарз олувчи томонидан ўз мажбуриятларини бажармаслик rischi. Шу билан бирга, бу қарама-қаршилик бевоқиф мутаносибдир, яъни кредит шартномаси шартларини бажармаслик хавфи қанчалик юқори бўлса, кредитнинг "муаммо" даражаси шунчалик юқори бўлади ва аксинча.

NPL [9] кўрсаткичи энг юқори бўлган ва жами кредитлари қолдиғи 183 395 млрд сўмни ташкил қилган 10 та тижорат банкининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 2020 йил 1 июль ҳолатига муаммога айланган кредитлар 6 493 млрд сўм бўлиб, жами кредитларнинг 4,0 фоизини ташкил этмоқда.

Муаммоли кредитлар салмоғи юқорилиги жиҳатидан "энг юқори" кўрсаткич Ўзғроэкспортбанкка тегишли. Банк кредитлари 88 млрд сўм бўлишига қарамадан, шунинг 8,5 фоиз қисми муаммога айланган. Кейинги ўринларни Ҳамкорбанк ва Ўзсаноатқурилишбанк эгаллаган. Банкларнинг кредит қўйилмалари мос равишда 6 663 млрд сўм ва 36 122 млрд сўмни ташкил этиб, муаммоли кредитлар 4,8 фоизни ташкил этган. Муаммоли кредитлар улуши юқори тижорат банклари

рўйхатини Асака банк (4,6 %), Ипак йўли банк (4,1 %), Халқ банки (3,1 %) ва Ипотека банк (3,0 %) давом эттирган (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Тижорат банкларининг муаммоли кредитлари (NPL) тўғрисида 2020 йил 1 июль ҳолатига маълумот (млрд сўм) [6]

№	Банк номи	Кредитлар	Муаммоли кредитлар (NPL)	Муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши
Жами		183395	6 493	4,0 %
1	Ўзғроэкспортбанк	88	7	8,5 %
2	Ҳамкорбанк	6 663	322	4,8 %
3	Ўзсаноатқурилишбанк	36 122	1 725	4,8 %
4	Асака банк	31 515	1 460	4,6 %
5	Ипак йўли банк	4 415	182	4,1 %
6	Мадад инвест банк	147	6	3,8 %
7	Халқ банки	15 397	483	3,1 %
8	Ипотека банк	20 806	623	3,0 %
9	Азия Альянс банк	1 707	43	2,5 %
10	Ўзмилийбанк	61 104	1 511	2,5 %

Муаммоли кредитларнинг икки тури мавжуд. Биринчи тури – кредит шартномаси шартларини бузган ҳолда қайтариладиган кредитлар билан ифодаланса, иккинчи тури – ўз мажбуриятларини бузган ҳолда қайтариладиган кредитлар, бироқ бу ҳолатда қарз олувчи молиявий қийинчиликларга эга бўлиб, улар пул тушумларининг қисқа муддатли тўхташида намоён бўлади.

Муаммоли кредитларнинг сабаблари бу амалга оширилган кредит рискларидир. Уларнинг баъзилари мижознинг ўз ҳаракатлари, баъзилари банк томонидан келиб чиқиши ва баъзилари ташқи муҳит омиллари туфайли юзага келиши мумкин.

Кредит ресурслари қийматининг ошиши банк кредит портфелининг ёмонлашувига олиб келувчи муҳим омиллардан ҳисобланади. Банклар ўз даромадларини максималлаштириш мақсадида кредитлар бўйича фоиз ставкаларини оширади. Кейинчалик бу қарз олувчи харажатларининг кўпайишига, ўз маҳсулотлари таннархининг ошишига ва натижада савдо айланмаси секинлашувига, даромадлар ва рентабелликнинг камайи-

шига олиб келади. Шу сабабдан қарз олувчи кредит бўйича тўловларни ўз вақтида амалга оширишда қийинчиликларга дуч келиши мумкин. Натижада зиддият юзага келади, кредитлар бўйича фоиз ставкалари даражасини ошириш кредитларни қайтармаслик хавфининг ортишига сабаб бўлади.

Бу муаммо белгилари билан барча кредитларни қуйидагиларга ажратиш мумкин:

- биринчидан, қўшимча назоратга олинган кредитлар муаммоли кредитларнинг огоҳлантирувчи белгилари бўлган кредитлардир;

- иккинчидан, муаммо босқичида қарз олувчининг ҳисоб рақам айланмаси камаяди ва 1-2 кун мунтазам кечикишлар билан боғлиқ бўлади, қарздорнинг фаолиятида салбий прогноз вужудга келади;

- учинчидан, муаммоли кредит қарз олувчининг молиявий кўрсаткиларининг сезиларли даражада ёмонлашуви, мунтазам тўловларда сурункали кечикишлар пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлади.

Тақдим этилган кредит муаммолари белгиларидан келиб чиқиб, кредит мони-

торинги жараёнини тўғри ташкил этишнинг аҳамияти ҳақида гапиришимиз мумкин, чунки у банк ходимларига кредит муаммоларининг дастлабки белгиларини олдиндан аниқлашга ёрдам бериши мумкин. Албатта, муайян ҳолатлар (масалан, қарз олувчи томонидан сохта молиявий ҳисоботлар тақдим этилиши) туфайли банк портфелидаги муаммоли кредитларни аниқлаш ҳар доим ҳам мумкин эмас. Шунга қарамай, банкда муаммоли

кредит билан ишлашни тўғри ташкил этиш «муаммо»нинг исталган босқичида банкнинг кредитларни тўламаслик оқиба-тида юзага келадиган зарарларини камайтириш имконини беради.

2-жадвалда кўриб турганимиздек, муаммоли кредитларни аниқлаш ва улар билан ишлаш банк томонидан кредитлашнинг барча босқичларида амалга оширилиши лозим.

2-жадвал

Кредит сифатининг батафсил ҳисоботи

Таҳлил объектлари	Ахборот манбаи
Мижознинг режалари унинг бизнеси яқин келажакда муваффақиятли бўлишини кўрсатадими?	- бухгалтерия ҳисоботлари; - асосий коэффициентлар таҳлили; - аналитик ҳисоб маълумотлари; стратегик режалар; - расмий хабарлар / иқтисодий, бозор омиллари.
Кредит шартномаларини бажаришда мижозда етарлича ростгўйлик ва масъулият борми?	- мижознинг обрўси; - кредит тарихи.
Пул оқими прогнозлари / тахминлари асослими ва улар кредитни қайтариш дастурига мос келадики?	- пул оқими прогнозлари; - олдинги ва ҳозирги кредит тўловларини таққослаш.
Ушбу амалиётда мавжуд бўлган хавф даражаси аниқ белгиланганми ва назорат усуллари етарлими?	- юқорида айтиб ўтилган барча омиллар таҳлили.

Манба: Ўрганилган адабиётлар асосида муаллиф томонидан тузилди.

Биринчи босқичда – қарз олувчининг кредитга лаёқатлилиги таҳлил қилинади. Натижада риск даражаси юқори бўлса, кредит қарз олувчига берилмайди. Шу билан бирга, бу ҳолат кредит рискининг юқори даражасига йўл қўймаслик ва риск нисбатидаги мувозанатни топиш билан боғлиқ. Агар кредитлаш шартлари жуда юқори бўлса, кредитлар ҳажми, мижозлар базаси ва кейинчалик банкнинг кредитлашдан оладиган даромади жуда паст бўлади.

Иккинчи босқичда – кредит берилгандан сўнг уни кузатиш даври бошланади. Бу босқичда муаммоли кредитларни мониторинг қилиш жараёнида аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу жа-

раён натижасида кредит жорий (стандарт) ёки муаммоли (қониқарсиз) деб таснифланади. Худди шу пайтнинг ўзида қарз олувчи ҳақида қўшимча маълумотларни қайта ишлаш, тўплаш ва янада тўлиқроқ ўрганиш эҳтиёжи пайдо бўлади.

Учинчи босқичда – кредит шубҳали деб таснифланган бўлса, у ҳолда муаммоли кредит билан ишлаш жараёни бошланади. Кредитнинг кейинги тақдири таҳлил қилинади, махсус чоралар кўриш (гаров таъминотига қаратиш, суд орқали ундириш) орқали кредит қайтарилади.

3-жадвалда 2019 йил ва 2020 йилларнинг 1 январь ҳолатига Ипотека банк кредит портфелининг ҳолати қисқача келтириб ўтилган.

Ипотека банкнинг кредит қўйилмалари ва муаммоли кредитлари (млрд сўмда) [7]


Ҳолат	Кредит портфели миқдори	Жами муаммоли кредитлар	Шу жумладан:		Муаммоли кредитлар улуши
			Муддати ўтган кредит	Суд жараёнидаги кредитлар	
янв. 2019	17 336,70	17,76	5,36	12,40	0,10 %
янв. 2020	19 792,76	73,65	56,61	17,04	0,37 %
Фарқи	2 456,05	55,89	51,25	4,64	0,27 %

Бундан кредит портфелининг ҳажми бир йилда 2 456,05 млрд сўмга ўсганини кўриш мумкин. Муаммоли кредитларнинг ҳажми эса бир йилда 55,89 млрд сўмга ошган. Хулоса қилиш мумкинки, мижозларнинг бир вақтнинг ўзида бир нечта кредит муассасалари кредитларидан фойдаланишлари, кредит юкининг ортиши ва кредит шартномалари шартлари бузили-

ши бунга асосий сабаблардан бири бўлиши мумкин.

Шунингдек, муаммоли кредитлар улушининг кредит портфелига нисбати 0,27 %га ошиб, 0,37 %ни ташкил қилганини кузатиш мумкин.

Банк кредит портфелидаги ўзгаришлар қуйидаги динамикада кўрсатилган:



Расм. Банк кредит портфелидаги ўзгаришлар

Манба: Ўрганилган адабиётлар асосида муаллиф томонидан тузилди.

Агарда кредит юридик шахсга берилган ва унда муаммонинг дастлабки белгилари мавжуд бўлса, корхона раҳбариятини ўзгартириш ҳақида корхона мулкдорлари билан муҳокама қилиш каби ташкилий-маъмурий чора-тадбирлар кўриш ва қарз оловчи билан ишлаш учун банк томонидан менежер ва маслаҳатчилар тайинлаш мумкин.

Агарда кредит бўйича тўловларнинг кечикиши жиддий тус олса ва чора-тадбирлар мажмуи унинг қайтарилиши учун зарур бўлса, бундай ҳолда банк кредит шартларини қайта кўриб чиқиши, кредитни қайта молиялаштириши ёки гаров мулки ва кафиллар орқали ундириши мумкин.

Шартнома шартларини қайта кўриб чиқиш кўпинча қарз оловчининг мурожаатига кўра амалга оширилади, айрим ҳолларда бу жараённинг ташаббускори банкнинг ўзи ҳам бўлиши мумкин. Қайта кўриш янги кредит шартномасини расмийлаштириш йўли билан ёки эскисига қўшимча келишув сифатида амалга оширилади.

Кредит шартларини қайта кўриб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилишда банк кредит ва унинг гаровининг навбатдан ташқари мониторингини, шунингдек, қарз оловчининг молиявий-хўжалик фаолиятини, унинг кредитга лаёқатлилиги ва бу кредит билан боғлиқ рискларни ҳар томонлама таҳлил қилишни амалга оширади.

Таъкидлаш лозимки, юридик шахсларга ажратилган кредитларни қайта кўришда кредит шартномаси шартларига ўзгартиришлар киритиш етарли эмас, қарз оловчининг бизнеси самарадорлигини ошириш учун унинг тўлов қобилиятини тиклаш ва пул оқимларини кўпайтириш чораларини ҳам кўриш керак.

Хулоса ва таклифлар

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, муаммоли кредитлар билан

ишлашнинг кўплаб усуллари мавжуд ва банклар кредит портфелини унумдор қилиш ва унинг сифатини яхшилаш имконини берувчи энг самарали усулни танлайди. Нафақат кредит портфелининг сифати, балки банк фаолиятининг молиявий натижалари, шунингдек, унинг барқарорлигини таъминлаш ва банкда муаммоли кредитлар билан муомала қилиш тизимини ташкил этиш энг устувор вазифалардан бири бўлиб қолади.

Мақоланинг мазмун ва моҳиятидан келиб чиқиб, тижорат банкларидаги муддати ўтган, муаммоли кредитлар улушини минималлаштириш ва бошқаришда қуйидаги чора-тадбирлар мажмуи таклиф этилади:

1. Муаммоли кредитлар билан шуғулланувчи бўлинмалар салоҳиятини мустақамлаш;

2. Кредитни қайта кўришни соддалаштириш чора-тадбирлари мажмуини шакллантириш;

3. Мижозлар билан молиявий саводхонликни оширишга қаратилган мунтазам ишларни ташкил қилиш;

4. Иқтисодиётнинг ҳолати, мамлакатдаги вазият ва турли макроиқтисодий жараёнларни тизимли мониторинг қилиш;

5. Кредит ажратилиши давомида ва унга хизмат кўрсатиш босқичида қарз оловчининг молиявий ҳолатини мониторинг қилиб бориш;

6. Рискларни бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, муаммоли кредитлар билан боғлиқ вазиятни яхшилаш, муддати ўтган қарздорлик билан ишлаш усуллари танлаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш, шунингдек, рискларни ҳисобга олган ҳолда кредит портфелининг янада мутаносиб тузилишини таъминлаш мумкин.

Манба ва адабиётлар

1. Смулов А.М., Нурзат О.А. Проблемная задолженность: понятие, основные признаки и меры повышения эффективности возврата проблемных кредитов // Финансы и кредит. – 2009. – № 35 (371). – С. 3.
2. Белоглазова Г.Н. Банковское дело: организация деятельности коммерческого банка / Г.Н. Белоглазова, Л.П. Кроливецкая. – М.: Юрайт, 2010. – 422 с.
3. Платонов В.А., Иванов С.А. Банковское дело: стратегическое руководство. – М.: Консольбанк, 1998. – С. 48.
4. Мухамеджанов К.А. Пути совершенствования управления кредитным портфелем и кредитными рисками коммерческого банка: Автореф. дисс. канд. экон. наук. – Т., 2010. – С. 9.
5. Тухтабаев У.А. Муаммоли кредитлар ва уларни бартараф этиш йўллари: Иқт. фан. номз. ...дисс. автореф. – Т., 2008. – Б. 13.
6. Каландаров А.Б. Банклардаги муаммоли кредитларни камайтириш механизмлари ва усуллари // Халқаро молия ва ҳисоб. – 2020. – № 4. – Б. 3.
7. Информация о неработающих кредитах коммерческих банков NPL // Официальный сайт Центрального банка Республики Узбекистан [Электронный ресурс]. – URL: <https://cbu.uz/ru/statistics/-bankstats/367475/> (дата обращения: 28.12.2020).
8. Финансовая отчетность // Официальный сайт АКИБ «Ипотека-банк» [Электронный ресурс]. – URL: <https://www.ipotekabank.uz/investors/financial-statements/> (дата обращения: 28.12.2020).

Тақризчи:

Валиев Б.Б. PhD, доцент Тошкент шаҳар ХТХКТМОХ марказининг ўқув ва илмий ишлар бўйича директор ўринбосари.